



Дангасалик нима?

Дангасалик – бу кўпчилик ўйлаганидек сабаб эмас, балки оқибатдир. Сиз ҳам кўпчилик қатори анча йиллардан бери ўз дангасалигингизни ҳаётдаги ўз мақсадларингизга эриша олмаётганлигингизнинг асосий сабаби деб юрган бўлсангиз ажаб эмас.

Агар шундай бўлса, қуйида келтирадиган маълумотлар Сиз учун фойдадан холи бўлмайди. Гап шундаки дангасалик аслида касалликдир. Дангасалик – бу ички кўрқувларнинг, ички тўсиқ-блокларнинг танамизда, руҳиятимиздаги аксидир.

Яъни дангасалик – бу сабаб эмас, балки оқибатдир.

Кўпчилик ўз мақсадларига эриша олмаётганининг асл сабаби сифатида ўзининг дангасалигини кўрсатади.

Бундай инсонлар ўзи ҳақида қуйидагиларни таъкидлашади:

- “Бир ишни бошласам, ярмида ташлаб кетаман, чунки дангасаман”,

- “Ҳеч бир ишни дангасалигим сабали охирига етказа олмайман”,

- “Бир ишни катта қизиқиш билан бошлайман, лекин бир оздан сўнг қизиқишим ҳам, қувватим ҳам сўниб қолади”,

- “Мақсадимга эришишим зарурлигини билсамда, дангасалигим олдида ҳеч нарса қила олмаяпман”.

Қисқаси ўз муваққиятсизлигининг асл сабабини дангасалик деб ўйлашади ва қаттиқ адашадилар. Чунки дангасалик сабаб эмас, балки оқибатдир. Сизнинг дангасалигингизнинг асл сабаби мақсадларингиз ичида яширинган.

Бу Сиз учун қанчалик нотабий бўлмасин, бу фикрни қабул қилиш қанчалик қийин бўлмасин, аммо ўз мақсадларингизга эриша олмаслигингизнинг асл сабаби дангасалик эмас, балки мақсадларингиз сабабли Сизда дангасалик юзага келади.

Буни қуйидаги сатрларда батафсил тушунтириб ўтамыз.

Демак бошладик. Сиз дангаса эканлигинизни қачон

англаб етдингсиз? Нега ўзингизни дангасаман деб ўйлай бошладингиз? Бунга нима сабаб бўлди?

Маълумки “Мен дангасаман” деган фикрга келгунингизча Сиз бир мақсад қўйиб унга эришиш учун айрим ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўласиз. Лекин бир оз ўтгач Сизда толиқиш, чарчоқ аломатлари сезилади. Эътибор қилган бўлсангиз, дангасалик ҳар доим чарчоқ, толиқиш ҳолати шаклида намоён бўлади.

Мақсадингиз томон ҳаракат қилган сари бу чарчоқ, толиқиш аломатлари янада кучайиб боради ва Сизнинг таслим бўлишдан бошқа чорангиз қолмайди. Иродангиз қанчалик мустаҳкам бўлмасин мақсадингиз сари ҳаракатланишдан тўхташга мажбур бўласиз.

Мақсадингиз сари ҳаракат қилиш зарурлигини билиб, англаб турган бўлсангизда ҳеч нарса қила олмай туриб қоласиз ва “Барча айб ўзимда, чунки табиатан дангаса ва ялқовман” деб ўйлайсиз.

Аmmo бу нотўғри фикр. Сиз табиатан дангаса бўлмагансиз. Бу Сизда кейинчалик, конкрет мақсад сари ҳаракатланиш оқибатида юзага келган.

Буни яхши англаб етиш учун ўзимиз ҳақимизда қуйидагиларни билиб олишимиз зарур бўлади.

Айтингчи, мақсадингиз сари зарур бўладиган энергия қаердан пайдо бўлади?

Гап шундаки бизнинг онгимизни шартли равишда иккига бўлиш мумкин – онг ва ботиний онг. Буларнинг фарқини олдинги китоб ва қўлланмаларимизда келтириб ўтганмиз.

Уларнинг ҳаётимиздаги ўрни, вазифаси ва аҳамияти қандай тақсимланган? Ҳаётимиздаги воқеъа ва ҳодисаларнинг 97 % ни ботиний онгимиз бошқаради. Фақатгина 3% онгимиз орқали амалга оширилади.

Онгимизнинг вазифаси мантиқли бўлиш ва мақсад қўйишдан иборат. У таҳлил қилади, фактларни таққослайди. Қисқаси худдики самолёт учувчисидек гап.

Ботиний онгимиз эса ҳам самолёт, ҳам унга ёқилғи ажратувчидир. Агар самолётнинг ёқилғиси бўлмаса, учувчи уни манзилга етказиши у ёқда турсин, хатто ўрнидан ҳам қўзғата олмайди.

Демак, қисқача айтганда, онгимиз мақсад қуяди, ботиний онгимиз эса бу мақсадга эришиш учун керак бўладиган энергияни ажратади.

Бунда ботиний онгимиз керакли энергияни ажратишдан олдин ўзида шу кунгача тўпланган маълумотларни, шаклланган қарашларни кўриб чиқади.

Агар ботиний онгимиз кўйилган мақсадни ўзидаги маълумотлар асосида бизнинг ҳаётимиз учун хавфсиз деб топса, ана шундагина керакли энергияни ажратади. Акс ҳолда ҳеч қандай энергия ажратмайди. Чунки ботиний онгимизнинг асосий вазифаси бизнинг хавфсизлигимизни таъминлашдир.

Диққат қилинг!

Ботиний онгингиз мақсадингиз учун энергия ажратиш

керак ёки керакмаслигини Сизда шу кунгача шаклланган қарашлар ва таъкидлардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилади.

Яъни, Сиз нималарга ишонасиз, нималардан қўрқасиз, ота-онангиздан ўтган генетик дастурларда қандай қарашлар мавжуд, буларнинг барчасини эътиборга олиниб қарор қабул қилинади.

Агар Сизда сотиш борасида қўрқув бўлса, ва мақсадингизга эришиш учун бирор хизмат турини сотишга тўғри келса, билингки Сиз ўзингиздаги бу қўрқувни қайта ишламасдан туриб мақсадингизга эриша олмайсиз. Бунга **“дангасалигингиз”** йўл қўймайди.

Агар Сиз ўз мақсадингиз сари эмас, балки атроф-муҳит, ота-онангиз ёки Сиз учун ҳурматли бўлган бошқа инсонлар томонидан Сизга сингдирилган мақсад сари ҳаракат қилаётган бўлсангиз, билингки бу мақсадингизга эриша олмайсиз. Бунга **“дангасалигингиз”** йўл қўймайди.

Агар Сизда катта даромадга нисбатан қўрқув бўлса, билингки катта даромад топиш учун қўйган мақсадларингизга

эриша олмайсиз. Чунки, бунга “дангасалигингиз” йўл қўймайди.

Демак дангасалик қўидагича пайдо бўлади:

1. Бизнинг онгимиз ҳозирги ҳолатимизни таҳлил қилган ҳолда бирор муҳим мақсад қўяди. Мисол учун бирор бизнес бошлаб кўпроқ даромад қилиш.

2. Бу мақсадни амалга ошириш учун режалар тузади.

3. Бу вақтда бизнинг ниятимизни билиб турган ботиний онгимиз қўйилган мақсадни ўз архиви билан солиштиради.

4. Архив маълумотлари асосида маълум бўладики бу мақсад биз учун хавфли. Масалан ботиний онгимиздаги маълумотларга кўра Сизда “Кўп пул ташвиш келтиради” ёки “Пул топиш қийин” деган қарашлар мавжуд. Демак бундан хулоса қилган ботиний онгимиз, бизнес очиш ва кўпроқ даромад топиш Сиз учун ташвиш ва қийинчилик келтиради деб тушунади. Бу эса ботиний онгимиз нуқтаи назаридан қаралганда йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. Натижада ботиний онгимиз мақсадимизга эришиш учун зарур энрегияни ажратмайди.

5. Бундан беҳабар онгимиз мақсад қўйган лаҳзалардаги кўтаринки кайфият ҳисобидан олинган ва танамиздаги захира энергияни сарфлаб мақсад сари ҳаракат қилишни бошлаб юборади.

6. Аммо бир оз вақт ўтгач бу энергия тугайди ва биз ўзимизда чарчоқ, толиқишни ҳис қиламиз. Чунки ботиний онгимиз барча энергия каналларини тўсиб қўйган ва Сизга ҳеч қаердан энергия келмаяпти. Энди мақсад сари ҳар бир ҳаракатимиз бу чарчоқни янада кучайтиради. Бизда мақсад сари ҳаракатланиш учун куч қолмайди.

7. Биз қўлларимизни тушириб таслим бўламиз ва “Мен дангасаман” дея ўзимизни айблаб ўтираверамиз.

Дангасалик – бу Сиздаги ички кўрқувнинг, ички тўсиқларнинг танангиздаги аксидир. Ўта кучли хавотир, сиқилиш ошқозон язваси ва шунга ўхшаш касалликларни келтириб чиқарганидек, мақсадингизга доир дангасалик ҳам шу мақсадга алоқадор кўрқув ва ички тўсиқларнинг танамизда акс этишидир.

Яъни дангасалик - бу касаллиқдир, ва уни самарали даволаш мумкин. Мақсадга боғлиқ дангасалиқдан қандай

кутилишни тренингларида батафсил кўриб чиқамиз ва даволаймиз.

Шунингдек дангасалик – бу Сизга юборилаётган очик хабардир. Хабарнинг мазмуни – Сиз ўз ишингиз билан шуғулланмаётганингиздир. Бошқалар томонидан сингдирилган мақсадлар билан оввора бўлиб юрганингизнинг аломатидир.

Дангасалик – бу мақсад билан боғлиқ касаллик эканлигини ҳаётингизнинг ҳамма жабҳасида ҳам дангаса эмаслигингиздан билиш мумкин. Яъни, Сиз ўз ҳаётингизга диққат қилсангиз, кўпгина ишларни яхши қила олишингизни, уларни бажаришда дангасалигингиз тутмаслигини кўрасиз.

Ички кўрқувлар ва тўсиқларларнинг Сиздаги энергияга қанчалик таъсир кўрсатишини қуйидаги амалий машқ орқали яққол ҳис этишингиз мумкин. Бу машқни фақатгина ўқиб қўйишни эмас, балки бажариб кўришингизни тавсия қилган бўлардим. Чунки уни бажариш натижасида ички кўрқув ва тўсиқларнинг таъсирини ўз танангизда аниқ ҳис қиласиз. Бу

жуда муҳимдир.

Бу машқ Сиздаги кўрқув ва ички тўсиқларнинг таъсирини тезда намоён қилгани учун ҳам келтиряпман. Бошқа мисол ҳам келтириш мумкин, аммо уларнинг таъсири бу машқдагидек тезда намоён бўлмайди.

Демак, амалиёт!

Ҳозирнинг ўзида барча кийимларингизни тескари кийиб олиб ташқарига чиқинг. Бирор дўконга бориб у-бу нарса харид қилиб қайтинг. Бунда оёқларингизга икки хил туфли ёки шиппак илиб олсангиз ҳам майли. Ёки эркак бўлсангиз аёллар кийимини, аёл киши бўлсангиз эркаклар кийимини кийиб олинг.

Агар буни эплай олмайман деб ўйласангиз, унда ҳеч бўлмаса ич кийимида квартирангиз эшигини очинг ва подъездга чиқинг. Ташқарига чиқишга ҳаракат қилиб кўринг.

Машқни бажармасдан кейинги саҳифага ўтманг!

Ишонтириб айтаманки жуда кўпчилик тиззаси қалтираб

эшиқдан нарига ўта олмайди.

Хўш мақсадингизга эришиш учун нима халақит қилди?

“Одамлар, қўшнилар нима деб ўйлашади?” деган қўрқувми?

“Одам ўзини бундай тутмаслиги керак” деган ахлоқингизми?

Нима бўлганда ҳам Сизнинг шу кунгача шаклланган қарашларингиз, ботиний онгингизга ёзилган ахлоқ нормалари бунга йўл қўймайди.

Эътибор берган бўлсангиз мен “Ботиний онгингизга ёзилган” дедим.

Хўш, Сиз бунда ҳам ўз дангасалигингиз сабаб қилиб кўрсатасизми? Албатта, йўқ. Сиз “Бу нарсалар менинг ахлоқимга тўғри келмайди” дейсиз. Чунки бунда ахлоқ нормаларига тўғри келмайдиган, бўрттирилган мисол келтирилди.

Лекин Сиз ҳар доим ҳам бу ишларни ахлоқ нормаларига тўғри келмайди деб қараганмисиз? Йўқ, албатта!

Ахир ёш болалик пайтларингизда иштонсиз ҳам кўчаларни чангитиб юргансиз-ку. Бунда ҳеч кимдан уялмагансиз. Буни бемалол қила олгансиз.

Бундан ташқари ёш болалар, одатда 5-6 ёшгача, дангасалиқдан нолишмайди.

Энди ёшингиз улғайиб, Сизда маълум бир қарашлар шаклланган, ҳаётий тажриба орттирилган. Аммо шуниси ачинарлики, бу қарашларнинг, тажрибаларнинг аксарият қисми Сизга фақат зарар келтирмоқда. Улар Сизни ёрқин келажакдан, ўз орзуларингизга эришишдан, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришдан тўсиб, чегаралаб турибди.

Шунинг учун ҳам дангасалик жуда хавфли касаллик ҳисобланади. Аммо унинг давоси бор ва бу кўп ҳолларда жуда оддий. Муҳими дангасаликка олиб келаётган сабабларни аниқлаш керак, холос. Сўнг уларни ўзингизга керакли ва фойдалисига ўзгартирасиз. Буни қандай қилишни тренингларида батафсил кўриб ўтамиз.

Дангасалик ҳақидаги фикрларни таҳлил қилиб қуйидагиларни хулоса сифатида келтириб ўтамиз:

1. Дангасалик сабаб эмас, балки оқибатдир. Буни яхшилаб англаб олиш керак! Шунинг ўзи дангасалиқдан қутулиш учун қўйилган энг катта қадамдир.

2. Дангасалик асосан мақсад сари ҳаракатланиш натижасида юзага келадиган касалликдир.

3. Дангасалик ички қўрқув, ўз кучига ишончсизлик, ички тўсиқларнинг танамиздаги аксидир.

4. Бировлар томонидан сингдирилган мақсад сари ҳаракталаниш ҳам дангасаликка олиб келадиган ишончли усулдир.

5. Ички қўрқувга бир неча сабаблар бўлиши мумкин. Қўйилган мақсаднинг мавҳумлиги, оғриқли ҳаётий тажрибаларни бошдан кечириш, ота-онадан ўтиб келган дастурлар шулар жумласидандир

6. Дангасалик – бу кўп йиллар давомида Сизда шаклланган одат эмас, балки конкрет мақсад билан боғлиқ ички қўрқув, ишончсизлик ва ички тўсиқларнинг танамизда акс этишидир.

7. Шунинг учун дангасаликдан қутулиш бу ички кўрқув, ишончсизлик ва ички тўсиқларни қайта ишлаш билан амалга оширилади. Жуда кўп ҳолларда бу жуда осон кечади.

Қандай мақсадлар дангасаликка олиб келади?

Дангасалик конкрет мақсад сари ҳаракатланиш оқибатида юзаги келишини билиб олдиқ. Хўш қандай мақсадлар дангасаликка олиб келади?

Қуйидаги шаклда қўйилган мақсадлар ўз вақтида тўғриланмаса, дангасаликка олиб келиши мумкин:

- ўзи ишонмайдиган даражадаги катта мақсадлар. Бунда мақсад ҳақида ўйлаш қувончдан кўра кўпроқ хавотирни, тушкунликни, ишончсизликни уйғотади;

- атроф-муҳит, ота-она, ҳурмат қилган инсонлар (авторитетлар) ва дўстлар томонидан сингдирилган мақсадлар;

- ички кўрқув ва ички тўсиқларга учрайдиган мақсадлар. Бу каби кўрқув ва тўсиқлар конкрет мақсад сари интилишда

юзага чиқади. Унгача бу кўрқув ва тўсиқларнинг борлигидан умуман хабарингиз йўқ бўлиши ҳам мумкин.

- мавҳум мақсадлар. Аниқ ифода этилмаган, конкрет тасаввурни уйғотмайдиган, бирор бир ўлчов билан қиёсланмаган мақсадлар;

- муддати номаълум мақсадлар. Яъни мақсадга эришишнинг чегаравий муддати кўрсатилмаган мақсадлар;

- қисқа муддатда катта ишларни амалга оширишни талаб қиладиган мақсадлар;

- ҳаёт тарзингизни тезда ва бутунлай ўзгартириб юборишни талаб қиладиган мақсадлар. Тез ва бутунлай ўзгаришлар кўпинча ботиний онг томонидан катта хавф сифатида қабул қилинади ва натижада мақсадни амалга ошириш учун Сизга керакли энергия ажратилмайди.

Демак қўйган мақсадларингиз Сизда дангасалик пайдо қилмаслиги учун қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- мақсад аниқ ва ижобий оҳангларда, мавжуд ўлчовларда ифода этилган бўлиши шарт;
- мақсадингиз ўзингизники бўлиши керак. Ташқи муҳит, бошқа бировлар томонидан сингдирилмаган бўлиши лозим;
- қўйилган мақсад Сиз учун ҳозирда, айти дамларда муҳим бўлиши керак;
- мақсадга эришишнинг чегаравий муддати тайин қилинган бўлиши шарт;
- катта ва тез ўзгаришга олиб келадиган мақсадлар кичик босқичларга бўлинган бўлиши керак;

Бундан ташқари мақсад сари ҳаракатланиш бошланганда

чарчок, толиқиш, зерикиш аломатлари сезилганда дарҳол бунинг сабабларини излаш ва бартараф этиш керак. Айбни дангасаликка йўйиб ҳаракатсиз ўтириш зинҳор ярамайди.

Одатда бунга ички кўрқув, ишончсизлик ва ички тўсиқлар сабаб бўлади. Буларни махсус техникалар ёрдамида қайта ишлаш лозим. Ана шунда Сизда мақсадларингиз сари яна завқ, энергия ва куч пайдо бўлади. Дангасалик қилишга куч топа олмай қоласиз.

Ушбу китобдан олинадиган энг асосий ва зарур хулосалар:

1. Дангасалик – бу Сизнинг сифатингиз ёки характерингиздаги камчилик эмас, балки қўйилган мақсадга нисбатан ботиний онгингиз томонидан Сизга юборилаётган ўта муҳим хабардир.

2. Бу хабарни дарҳол қабул қилиш ва ундан керакли хулосаларни чиқариш лозим. Акс ҳолда дангасалик узок чўзилиб кетса, бошқа касалликларни келтириб чиқариши мумкин.

3. Дангасаликни сабабини аниқлаш ва уни бартараф этиш мумкин ва шартдир. Бу одатда қўйилган мақсадни қайта қўриб чиқиш ва унга боғлиқ ички қўрқув ва тўсиқларни таҳлил қилиш орқали тезда ҳал бўлиши мумкин.

4. Бирор мақсадингизга эришишда чарчоқни, толиқишни сезган заҳоти бу хабар эканлигини дарҳол англаб ва шунга мос ҳолда унинг мазмунини чақишга ҳаракат қилинг. Бу менинг дангасалигим туфайли дея қўл қовуштириб, ҳаракатсиз ўтирманг.

5. Ахир бу хабардан тўғри фойдалансангиз тез орада Сизнинг ҳаётингизда катта муваффақиятлар, орзуингиздагидек ўзгаришлар содир бўла бошлайди.

Буни мен ўз ҳаётим мисолида ҳам айта оламан. Яқин кунларгача мен ҳам мақсадларим сари ҳаракатсизлигимни дангасаликка йўйиб иложсиз ўтирардим. Лекин мақсадларимга боғлиқ ички қўрқув ва тўсиқларни қайта ишлаш натижасида ҳаётимда жуда катта ўзгаришлар содир бўла бошлади.

Мақсадларим сари ҳаракатланишдаги дангасалик ўрнини завқ, шижоат эгаллай бошлади. Зарур ва керакли ғоялар ўз-ўзидан келадиган ва уларни амалга ошириш енгил кечадиган бўлди.

Олдинлари ҳаддим сиғмаган ишларни ҳозирда жуда енгиллик билан, ўзимга бўлган ишонч билан амалга оширадиган бўлдим.

Сизга ҳам энг камида шундай ажойиб ва ёқимли ўзгаришларни Аллоҳдан чин дилдан сўраб қоламан!

Диққат, эълон!

Агар Сиз

- ўзингизнинг интилса арзийдиган асл мақсадларингизни аниқлашни,
- мақсадингиз сари ҳаракатланишда дуч келадиган дангасаликни қандай даволашни ўрганишни,
- онгингизни турли зарарли, чекловчи қараш ва кўрқувлардан тозалашни,
- бошлаган ишингизни ярим йўлда ташлаб кетмасдан охирига етказишни,

- қисқаси 21 кун ичида онгингизни медитатив амалиётлар ёрдамида ментал қайта юклашни ва янгича ҳаёт бошлашни истасангиз

Унда Сизни “Альфа-трансформация” номли онлайн тренингимизга таклиф қиламиз.

Ушбу тренингда Сиз қуйидаги билимларни ўзлаштиришингиз мумкин:

- мақсадларни тўғри қўйиш ва ифода этиш. Бундай мақсадларга эришишда Сизда дангасалик пайдо бўлиши эҳтимоли анча кам бўлади;

- мақсадларингизни саралаш. Мақсадлар учун йиллаб умрни, қанчадан қанча қувват ва асабларни сарфлаб, сўнгра бу мақсад ўзиники эмас балки ташқи муҳитдан сингдирилган эканлигини англаб етишдан ҳам кўра ачинарли ҳолат йўқ бўлса керак. Шунинг мақсадларни аввал бошиданок бу борада текшириб олиш Сизга умрингизни, қанчадан қанча қувват ва асабингизни тежаб қолиш имконини беради. Тренингда

мақсадларнинг саралашнинг ишончли ва сара усулларини ўрганасиз;

- ўз мақсадларингизга аслида нима учун эришишни истаётганингизни англаб етасиз. Бу ҳақда кўпчилик ҳаттоки ўйлаб ҳам кўрмайд. Буни англаш эса Сизда мақсадингиз сари доимо энергия бор бўлишини кафолатлайди;

- диққат ва эътиборни бир жойга жамлай олиш кўникмасини шакллантириш усулларини ўрганасиз. Кўпчилик ўзида бундай керакли сифатни қандай шакллантиришни билишмайди;

- онгингиздаги чекловчи қараш ва асоссиз ўрнашиб олган кўрқувлардан самарали халос бўласиз. Натижада мақсадингиз сари енгил, қувонч билан ҳаракатлана оласиз. Бундан сўнг Сиз мақсадингиз сари ҳаракатланиш мобайнида дуч келишингиз мумкин бўлган дангасалиқдан кўрқмайсиз. Чунки энди Сиз дангасаликнинг асл сабабини ва уни даволашни биласиз. Буни ўзингиз мустақил амалга ошира оладиган бўласиз.

- мақсадга эришиш тезлигини ошириш усулларини ўрганасиз. Мақсадга эришиш нафақат ташқи ҳатти ҳарактларни, балки асосан ички, яъни ботиний онг билан бўладиган амалиётларни тақозо этади. Айнан ботиний онг билан бажариладиган ишлар мақсадингизнинг 100% амалга ошишини таъминлайди. Бу билимларни билмаслик мақсадга эриша олмаслик билан баробардир;

- самарали визуализация қилиш усулларини ўрганасиз. Қачон визуализация самарали натижа беради, қачон бундан умуман фойда йўқлигини англаб етасиз;

Бу билимларни ўзлаштириш Сизга ҳаётдаги барча мақсад ва истакларингизга эришиш имконини беради.

Бундан ташқари Сиз ўзингизни янада яхшироқ англаб ета бошлайсиз. Имкониятларингиз янада ортиб бораётганини сезасиз. Бу жуда ҳам ажойиб жараёндир!

Агар Сизга буларнинг барчасига эришиш қизиқ бўлса

марҳамат мурожаат қилинг:

Telegram: @Shuxrat_Eshmurodov

Telefon: +99893 541-74-79

Тренинг онлайн тарзда телеграм орқали олиб борилади. Бунинг учун интернет ва телеграмда ишлаш имкони бўлса етарли. Бирор жойга боришга ҳожат йўқ.

Тренингда қатнашиш баҳоси неча пул дейсизми?

Бу илмлар баҳосини камида 1000 000 сўм қилиб белгиласам ҳам паст баҳо айтган бўламан. Сабаби, агар ойлик даромадингиз 1000000 сўм бўлса, бу илмлар орқали даромадингизни осонгина 2 баробарга оширишингиз ва бир ой ичида кетган харажатларни қоплашингиз мумкин бўлади.

Лекин ҳозирда тренинг 1000 000 сўмга эмас, балки анча қулай нархда иштирок этиш имконияти мавжуд!

Тренинг баҳоси ҳаттоки 500 000 сўм ҳам эмас!

Яъни уни ҳозирда 300 000 сўмга харид қилишингиз мумкин.

Курс учун сарфлаган маблағингиз ўзингиз учун сарфланади. Ахир энг зўр инвестиция – бу ўзингизга, илмингизни оширишга сарфлаган инвестициядир. У Сизга бир неча баробор бўлиб қайтиб келади. Олган билимларингиз Сиз билан бир умрга қолади.

Шошилинг! Иштирокчилар сони чегараланган!

Мурожаат қилинг!

Telegram: @Shuxrat_Eshmurodov

Telefon: +99893 541-74-79

**Янги, фойдали ва ривожлантирувчи илмларни
ўрганишда Аллоҳ ёр бўлсин!**